



2020 йил «22» июл

№ 468-к

Toyloq sh. – г. Тайляк

**“SAMARQAND TOURISTIC CENTRE”
масъулияти чекланган жамиятига
Туристтик мажмуаси куриш учун ер
майдони ажратиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6, 23-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2019 йил 26 июл куни Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва вилоят фаоллари билан ўтказилган 30-сонли Мажлис баёни, Ер ўсатқаларини эгалик қилишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясининг 2020 йил 27 апрелдаги 04-01/80 сонли йиғилиш Баёни, туманда ер ўсатқаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман ҳокимлиги комиссияси аъзоларининг далолатномасига, “SAMARQAND TOURISTIC CENTRE” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг туман хокими номига ёзган хатиға ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “SAMARQAND TOURISTIC CENTRE” масъулияти чекланган жамиятиға туман ҳокимлиги захира ер майдонидан Туристтик мажмуаси куриш учун Бахшитепа массиви ердан фойдаланиш харитасининг 23,24,25,26,27,28,29,121,122,123,126,127,128,129,130,133,134,130а,134а,173,174-контурларидан жами 42,78 гектар шундан 29,40 гектар суғориб хайдаладиган, 1,0 гектар узумзор, 0,38 гектар тутзор, 0,89 гектар теракзор, 1,20 гектар бошқа ерлар, 1,33 гектар курилиш ости ерлари, 8,58 гектар йўллар ва завурлардан иборат ер майдонлари ажратилсин.

2. Туристтик мажмуаси курилиши жараёнида вақтинча (3 йил муддатға) фойдаланиш учун туман ҳокимлиги захира ер майдонидан Бахшитепа массиви ердан фойдаланиш харитасининг 10к-контуридан 2,0 гектар суғориб хайдаладиган ер майдони ажратилсин.

2. “SAMARQAND TOURISTIC CENTRE” масъулияти чекланган жамиятиға Туристтик мажмуаси куриш учун жами 44,78 гектар ер майдонида вилоят курилиш бош бошқармасига АРТ ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашға буюртма бериш ва тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

3. “SAMARQAND TOURISTIC CENTRE” масъулияти чекланган жамиятиға Туристтик мажмуаси куриш учун жами 44,78 гектар ер майдонида

вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қуриш ва доимий равишда ободонлаштириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддасига асосан ер участкаси мақсадли фойдаланилмаганда ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган тартибда бекор қилиниши кўрсатиб ўтилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ж.Хайитов)га ушбу қарор қабул қилиниши мунособати билан жорий йил якуни билан ер тузиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш топширилсин.

5.Туман бош архитектори (С.Эралиев)га белгиланган ер майдонда, қурилиш учун тайёрланган лойиҳа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қурилишини назоратини олиб бориш топширилсин.

6.Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Ҳожиқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Б.Бабоназаров